



THE ROLE OF THE SHANGHAI COOPERATION ORGANIZATION IN REGIONAL STABILITY

Temur Samandarovich Sodikov

Master's Student at Oriental University

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Shanghai Cooperation Organization (SCO), Shanghai Five, regional security, international cooperation, terrorism, separatism, extremism, Shanghai Convention, Central Asia, transnational threats.

Received: 16.05.26

Accepted: 17.05.26

Published: 18.05.26

Abstract: This article provides a scientific analysis of the role and significance of the Shanghai Cooperation Organization in ensuring regional security. In particular, it examines the new geopolitical conditions that emerged in Central Asia in the early 1990s, the process of formation of independent states, and the necessity of establishing mechanisms of cooperation among states in the context of emerging security challenges. The article also analyzes the dialogue and cooperation initiated within the framework of the "Shanghai Five", which later served as the foundation for the establishment of the Shanghai Cooperation Organization.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ МИНТАҚАВИЙ БАРҚАРОРЛИКДАГИ ЎРНИ

Темур Самандарович Содиқов

Ориентал Университети магистранти

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ), Шанхай бешлиги, минтақавий хавфсизлик, халқаро ҳамкорлик, терроризм, сепаратизм, экстремизм, Шанхай конвенцияси, Марказий Осиё, трансмиллий таҳдидлар.

Аннотация: Мазкур мақолада Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (кейинги ўринларда ШХТ) нинг минтақавий хавфсизликни таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти илмий жиҳатдан таҳлил қилинади. Хусусан, Марказий Осиё минтақасида XX асрнинг 90-йиллари бошида юзага келган янги геосиёсий шароит, мустақил давлатларнинг шаклланиши ҳамда хавфсизлик соҳасидаги янги таҳдидлар шароитида давлатлар

ўртасида ҳамкорлик механизмларини шакллантириш зарурати ёритиб берилди. Шунингдек, “Шанхай бешлиги” доирасида бошланган мулоқот ва ҳамкорлик жараёнларининг кейинчалик Шанхай ҳамкорлик ташкилотига асос бўлгани таҳлил этилади.

РОЛЬ ШАНХАЙСКОЙ ОРГАНИЗАЦИИ СОТРУДНИЧЕСТВА В РЕГИОНАЛЬНОЙ СТАБИЛЬНОСТИ

Темур Самандарович Содиков
Магистрант Университета Ориентал
Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Шанхайская организация сотрудничества (ШОС), Шанхайская пятерка, региональная безопасность, международное сотрудничество, терроризм, сепаратизм, экстремизм, Шанхайская конвенция, Центральная Азия, транснациональные угрозы.

Аннотация: В данной статье проводится научный анализ роли и значения Шанхайской организации сотрудничества в обеспечении региональной безопасности. В частности, рассматриваются новые геополитические условия, сформировавшиеся в Центральной Азии в начале 1990-х годов, процесс становления независимых государств, а также необходимость формирования механизмов сотрудничества между государствами в условиях возникновения новых угроз безопасности. Также анализируется процесс диалога и сотрудничества, начавшийся в рамках «Шанхайской пятерки», который впоследствии стал основой создания Шанхайской организации сотрудничества.

Кириш. XXI асрда халқаро муносабатлар тизимида хавфсизлик масалалари янги хусусият касб этмоқда. Замонавий таҳдидлар, жумладан терроризм, экстремизм, сепаратизм, наркотрафик ва трансмиллий уюшган жиноятчилик халқаро ҳамжамият учун жиддий муаммолардан бирига айланган. Ушбу таҳдидлар алоҳида давлатлар чегараси билан чекланиб қолмасдан, бутун минтақалар хавфсизлигига таъсир кўрсатмоқда.

Шу нуқтаи назардан, минтақавий ташкилотлар хавфсизликни таъминлашда муҳим институтлар сифатида намоён бўлмоқда. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Евроосиё маконида сиёсий, иқтисодий ва хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган йирик минтақавий тузилма ҳисобланади. Ташкилотнинг асосий мақсадларидан бири аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш

хамда трансмиллий таҳдидларга қарши самарали кураш механизмларини шакллантиришдан иборат.

Адабиётлар таҳлили. ШХТ замонавий халқаро муносабатлар тизимида муҳим ўрин эгаллаган минтақавий ташкилотлардан бири ҳисобланади. Шу боис, мазкур ташкилотнинг тарихи, фаолият йўналишлари ва геосиёсий аҳамияти кўплаб олимлар ва тадқиқотчилар томонидан кенг ўрганилиб келинмоқда. Илмий адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ШХТ бўйича тадқиқотлар асосан бир нечта йўналишларга бўлинади: ташкилотнинг шаклланиш тарихи, хавфсизлик ҳамкорлиги, геосиёсий таъсири ҳамда иқтисодий ва маданий ҳамкорлик масалалари. Ушбу йўналишларда тадқиқот олиб борган Р.Алимов, Р.Нурибетов, А.Розанов, Чжоу Цзень, Цинго Цзяларнинг илмий изланишлари ўрганилиб чиқилди [9]. Хусусан, Р. Алимов тадқиқотларида ШХТнинг шаклланиш жараёни, унинг пайдо бўлиши тарихи ҳамда ташкилотнинг тўлақонли халқаро бирлашма сифатида қарор топиш босқичлари ҳақидаги материаллар жамланган. Шунингдек, унда ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг фалсафий ва ғоявий асослари ҳам атрофлича ёритилган. Тадқиқотларда бирлашма доирасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, ташкилотнинг институционал тузилмаси, унинг асосий органларининг вазифалари, функциялари ҳамда ваколатлари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотчи Р.Нурибетов ўз мақоласида ШХТнинг “янги турдаги минтақавий ташкилот” сифатида ўзига хос хусусиятларини очиб бериш учун унинг асоси – “Шанхай руҳи” нинг моҳиятини ва унинг амалий фаолиятини ўрнини кенгроқ кўриб чиқиш лозимлигини билдирган. У бу масалада хитойлик олимлар Пан Гуань, Ю.Бинь, Янь Цзень, Ли Лифань тадқиқотларида анча кенг ёритиб берилганини қайд этган. Ушбу тадқиқотларда ШХТ Хартиясига мувофиқ, “Шанхай руҳи” асосида “ўзаро ишонч”, “ўзаро манфаат”, “тенглик”, “ўзаро маслаҳатлашув”, “маданиятлар хилма-хиллигига нисбатан ҳурмат”, “биргаликда ривожланишга интилиш” тамойиллари ётишини, ҳамда бундан ташқари ҳужжатда ташкилот фаолиятининг хусусиятларини белгилаб берган яна иккита асос мавжуд: 1) ШХТнинг бошқа давлатга ва халқаро ташкилотларга қарши қаратилмаганлиги ва 2) қарорларни консенсус асосида қабул қилишни ёзиб ўтган.

А.Розанов таҳрири остидаги “Шанхайская организация сотрудничества и проблемы безопасности Евразии” тадқиқот иши ўрганиб чиқилди. Ушбу монографияда Е.Ф.Довгань Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШХТ) шаклланиши ва ривожланишига халқаро ҳуқуқий баҳо беради, унинг мавқеи, тузилмаси ва халқаро ташкилот сифатидаги

хусусиятларини таҳлил қилади. Айрим ҳолларда ШХТни минтакавий коллектив хавфсизлик ташкилоти сифатида квалификация қилиш имкониятлари алоҳида ўрганилади.

Монографияда алоҳида эътибор Хитойнинг Марказий Осиёдаги “янги” ва истиқболли иштирокчи сифатидаги роли, ушбу минтақадаги сиёсати, ҳамкорлик устуворликларининг ўзгариши ва эришилган натижаларга қаратилган. Шунингдек, ШХТ фаолиятидаги энг йирик аъзо давлатлар – Россия ва Хитойнинг ёндашувлари таҳлили алоҳида мавзу сифатида келтирилган. Уларнинг ўзаро ҳамкорлиги амалда ШХТнинг ривожланиш йўналиши, қарорларни қабул қилиш суръати ва самарадорлигини белгилайди. М.В. Данилович фикрига кўра, ёндашувлардаги фарқ тарафларнинг потенциали ва мотивациясининг синтези асосида шаклланган бўлиб, натижада ШХТнинг ҳарбий-сиёсий иттифоқ сифатидаги шаклланиши айрим ҳолларда тўхтаб қолган.

Марказий масала сифатида минтақада хавфсизлик масаласи қолмоқда, ва ШХТ бу соҳада халқаро ҳамкорлик тизимида муҳим элемент бўлишга ҳаракат қилмоқда. Шу муносабатдан, тадқиқотда мазкур мавзуга икки турли нуқтаи назар таклиф қилинади.

Хавфсизликка бағишланган бўлимда А.А. Розанов ШХТни ҳарбий-сиёсий нуқтаи назардан кўрсатилмаган (непрофильная) ташкилот сифатида баҳолайди, аммо шу билан бирга, терроризм ва наркотраффик каби таҳдидларни олдини олиш учун масъулиятни ўз зиммасига олиши мумкин бўлган халқаро структура сифатида эътироф этади. Қайд этиш жоизки, “учинчи иштирокчилар” бўлимида (Қозоғистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари) Р.М. Турарбекова ШХТнинг хавфсизлик соҳасидаги фаолиятини танқидий таҳлил қилади, жумладан, Марказий Осиё давлатлари дуч келган аниқ муаммолар ва аъзо давлатлар томонидан кўрилган чора-тадбирлар ёки билдирилган баёнотлар асосида. Умуман, муаллифлар ШХТнинг Евроосиё хавфсизлик архитектурасида нисбатан “скромная” роли ва мазкур соҳадаги потенциалининг тўлиқ амалга оширилмагани ҳақида умумий фикрга келишган.

ШХТ йирик энергетика ресурслари етказиб берувчи ва истеъмолчи давлатларни ўз ичига олганлиги боис, аъзо давлатлар учун энергетика соҳасидаги ҳамкорлик муҳим иқтисодий қисм ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, мазкур мавзуда М.В. Шевелёвнинг фикрича, энергия соҳасидаги ҳамкорлик асосан “нон-расмий” мулоқот доирасида ривожлантирилмоқда ва ШХТ ҳозиргача коллектив энергетика ҳамкорлиги учун тўлиқ норматив ва институционал базани шакллантирмаган.

Ишнинг муҳим қисми сифатида Қозоғистонлик экспертлар томонидан тақдим этилган 7-ва 8-боблар келтирилган. Хусусан, Ж.М. Кембаев ШХТ фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатларини таҳлил қилади ва Қозоғистоннинг ташқи сиёсатида кўп томонлама

дипломатиянинг аҳамияти ҳамда ташкилотнинг минтақавий ва глобал хавфсизлик архитектурасини шакллантиришдаги ролига эътибор қаратган. М.Т. Лаумулин эса “шанхай жараёни” доирасида Қозоғистоннинг Евроосиё интеграциясидаги ўрни ва ролини сиёсий таҳлил қилади.

Умуман, ШХТни танқидий баҳолаш ҳолатларига қарамасдан, муаллифлар ШХТнинг норматив-ҳуқуқий базаси ва аъзо давлатлар таркибидаги потенциални ҳисобга олганда, ташкилотнинг Марказий Осиёда халқаро ҳамкорликнинг муҳим устунига айланиш истиқболи мавжуд деб хулоса қилган.

Тадқиқотчи Чжоу Цзюньнинг ҳам тадқиқотларида ШХТ нинг шаклланиш тарихига алоҳида эътибор берган. “Шанхай бешлиги”нинг Хитой – СССР (кейинчалик РСФСР) негизида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатлари иштирокида ташкил топганлигини таъкидлаган. У мазкур давлатларнинг яқинлашувига биринчи навбатда, Марказий Осиё минтақасида терроризм хавфининг кучайиши ва чегара ҳудудларларнинг ортиши, ҳамда минтақадаги беқарорликнинг асосий манбаи ҳисобланган Афғонистондаги вазият давлатларни жиддий ташвишга солди деб ёзиб ўтган.

Тадқиқотчи Цинго Цзя ҳам Чжоу Цзюнь каби ШХТнинг Шанхай бешлигининг негизида ташкил топганини алоҳида урғу берган. Унинг шаклланиш тарихи, саммитларда кўрилган масалалар ҳақида маълумотлар берган.

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқотда халқаро муносабатлар ва минтақавий хавфсизлик соҳасида қўлланиладиган бир қатор илмий усуллардан фойдаланилди. Жумладан, таҳлилий қиёсий ва тизимли ёндашувлар асосида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги хавфсизлик механизмлари ўрганилди. Аввало, институционал таҳлил усули орқали ШХТнинг хавфсизлик соҳасидаги асосий институтлари, хусусан Минтақавий антитеррор тузилмаси (МАТТ) фаолияти таҳлил қилинди. Бу усул ташкилот доирасидаги ҳамкорлик механизмларининг самарадорлигини баҳолаш имконини берди.

Шу билан бирга, қиёсий таҳли усули ёрдамида ШХТнинг хавфсизлик соҳасидаги фаолияти бошқа минтақавий ташкилотлар билан таққослаб ўрганилди. Бу эса ташкилотнинг Евроосиё хавфсизлик тизимидаги ўрнини аниқлашга хизмат қилди.

Муҳокама ва натижалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2025 йилда Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги сўзлаган нутқида “...Терроризм ва экстремизмнинг табиати сезиларли равишда ўзгараётгани, кибержиноятчилик, синтетик наркотиклар ишлаб чиқариш ва айланмаси ўсиб бораётгани, уюшган жиноятчилик кучаётгани муносабати билан билдириляётган хавотирларга кўшиламыз.

Ушбу таҳдидларга қарши самарали курашиш мақсадида Ички ишлар ва жамоат хавфсизлиги вазирлари кенгаши ишини қайта тиклаш, Жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисидаги битимни қайта кўриб чиқиш, Гиёҳвандликка қарам бўлиб қолишга қарши курашнинг 2030 йилга қадар мўлжалланган дастурини ишлаб чиқишни таклиф этамиз” – деган эди [1, Б.2].

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг шаклланиши Евроосиё минтақасида совуқ урушдан кейин юзага келган янги геосиёсий шароитлар ҳамда давлатлар ўртасида ўзаро ишончли мустаҳкамлашга қаратилган институционал механизмларни шакллантириш зарурати билан чамбарчас боғлиқдир. Ташкилотнинг институционал асослари 1996 ва 1997 йилларда мос равишда Шанхай ва Москва шаҳарларида Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғиз Республикаси, Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикаси томонидан имзоланган чегара ҳудудларида ҳарбий соҳада ишонч чораларини мустаҳкамлаш ҳамда қуролли кучларни ўзаро қисқартириш тўғрисидаги халқаро келишувларга бориб тақалади. Ушбу келишувлар давлатлар ўртасида ўзаро ишонч муҳитини шакллантириш, чегара ҳудудларида ҳарбий барқарорликни таъминлаш ҳамда хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни институционаллаштириш жараёнида муҳим сиёсий-ҳуқуқий пойдевор вазифасини бажарди.

“Шанхай бешлиги” форматида ривожланаётган кўп томонлама мулоқот ва ҳамкорлик механизмларини янада кенгайтириш, шунингдек уни комплекс минтақавий ҳамкорлик институтига айлантириш зарурати 2000 йил 4 июлда қабул қилинган Душанбе декларациясида ўз ифодасини топди. Мазкур декларацияда иштирокчи давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни сиёсий, хавфсизлик, иқтисодий ва гуманитар соҳаларни қамраб олган кенг кўламли институционал тизим даражасига олиб чиқиш масаласи алоҳида таъкидланди.

Шу асосда 2001 йил 15 июнда Шанхай шаҳрида Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғиз Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарлари томонидан Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги декларация қабул қилиниб, мазкур ташкилотнинг институционал-ҳуқуқий асослари яратилди. Шу тариқа ШХТ Евроосиё маконида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган муҳим минтақавий ташкилот сифатида шаклланди.

Ташкилотнинг асосий мақсадлари иштирокчи давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши кўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда мустаҳкамлаш йўлида кўп қиррали

хамкорликни ривожлантиришдан иборат. Шу билан бирга, ШХТ терроризм, экстремизм ва сепаратизм каби замонавий трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш, иқтисодий хамкорликни чуқурлаштириш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, шунингдек ижтимоий ва маданий соҳалардаги ўзаро хамкорликни ривожлантиришга қаратилган комплекс институционал механизмларни шакллантиришни ҳам назарда тутати.

Шу билан бирга, Шанхай хамкорлик ташкилоти ўз моҳиятига кўра бошқа давлатлар ёки минтақаларга қарши қаратилган ҳарбий-сиёсий блок ҳисобланмайди. Ташкилот ўз фаолиятини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг мақсад ва тамойиллари, шунингдек халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига мувофиқ амалга оширади. Ушбу нуқтаи назардан, ШХТ ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш, тенглик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган ҳолда бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан кенг қамровли ва очиқ хамкорликни ривожлантиришга интилувчи муҳим минтақавий мулоқот платформаси сифатида намоён бўлади [7, Б.1-2].

Йигирма беш йилга яқин давр ичида Шанхай хамкорлик ташкилоти (ШХТ) катта тараққиёт йўлини босиб ўтди ва замонавий халқаро ва минтақавий муносабатларнинг муҳим омилига айланиб улгурди.

Ҳозирда ШХТ дунёнинг энг йирик минтақавий ташкилот ҳисобланади. Унга аъзо давлатларнинг умумий ҳудуди 36 миллион квадрат километрдан ошади. Бу Евроосиё китъаси ҳудудининг 60 фоиздан ортиғи демак. Бу маконда истиқомат қилувчи аҳолининг умумий сони 3,4 миллиард кишидан ортиқ ташкил этади, яъни ер сайёраси аҳолисининг қарийб ярмидир. Ҳозирда ташкилот 10 доимий аъзо давлатни, 2 нафар кузатувчи ва 14 мулоқот бўйича шерик давлатларни ўз атрофига бирлаштирган.

ШХТга аъзо давлатлар халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва меъёрларига таянган ҳолда, ўзаро манфаатдор соҳаларда узоқ муддатли яхши кўшничилик, дўстлик ва хамкорлик муносабатларини изчил равишда ривожлантирмоқда. Мазкур жараён сиёсий мулоқотни мустақамлаш, иқтисодий хамкорликни кенгайтириш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда гуманитар алоқаларни чуқурлаштириш орқали амалга оширилиб, Евроосиё минтақасида барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга хизмат қилмоқда [8, Б.1].

ШХТнинг пайдо бўлишига айнан Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш вазифалари устувор аҳамият касб этгани маълум. Ташкилот доирасида қабул қилинган илк ҳуқуқий ҳужжат – ШХТнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (2001 йил 15 июнь) ҳам айнан хавфсизлик соҳасига тааллуқлиги эканлиги унда минтақавий хавфсизлик ва янги турдаги таҳдидларга қарши

хамжиҳатликда курашиш масалалари нечоғлик катта аҳамият касб этганини кўрсатиб турибди. Бу янги ташкилот учун жуда катта муваффақият ҳам эди. Мазкур Конвенцияда илк бор халқаро терроризмга юридик аҳамиятдаги ягона таъриф берилиб, бунга қадар ҳеч бир бошқа халқаро ташкилот, шу жумладан, БМТ томонидан ҳам бундай қадам ташланмаган эди.

Лекин, ШХТнинг Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликка қўшган ва қўшиб келаётган ҳиссаси ушбу “ноанъанавий” таҳдидларга қарши ҳамжиҳатликда қарши курашиш билан чекланиб қолмайди. Аксинча, ташкилотнинг бу борадаги ҳиссасини анча кенг таҳлил қилиш керак. ШХТ институтларининг, унинг ичидаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятлари ва бошқа қатор омиллар ушбу ташкилотнинг Марказий Осиёдаги барқарорлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган ва қўшаётган ҳиссасини анча кенг таҳлил қилишни тақозо этади. Шу сабаб, ШХТнинг минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдаги ўрни экспертлар томонидан турлича баҳоланади. Бир гуруҳ экспертлар уни “Марказий Осиёда барқарорлик кафолати” сифатида талқин қилишади.

Жумладан, ШХТнинг собиқ Бош котиби Р.Алимов “Терроризм, экстремизм ва сепаратизмнинг глобал ўчоқларига бевосита яқин ҳудудда жойлашишига қарамадан, ШХТ ўзи масъул бўлган минтақанинг беқарорлик ёйига айланишига, янги аср бўсағасида бу ерда юзага келган бўшлиқни радикал мафкуралар ва экстремистик оқимлар томонидан тўлдирилишига, ёлғон қадриятларни сингдиришга йўл қуймади”, деб ёзади. Бошқа, асосан, ғарблик кузатувчилар эса ШХТнинг минтақавий хавфсизлик ташкилоти сифатида қарор топа олмаганлигини ва шу сабаб минтақадаги инкирозли вазиятларда ўзини намоён қилолмаганлигини таъкидлашади. Масалан, 2010 йили Қирғизистонда содир бўлган давлат тўнтариши ва кўп сонли қурбонларга сабабачи бўлган қонли этник тўқнашувга ШХТ аралашмаганини ва бу уни “хавфсизлик ташкилоти” деб таснифлашдан йироқ эканлигини кўрсатади. ШХТнинг том маънода минтақавий хавфсизлик воситасига айлана олмаганлигига яққол мисол сифатида Ғарб кузатувчилари унинг Афғонистон можаросида тутган “суст” позициясини асос қилиб келтиришади. Қолаверса, айрим хорижий таҳлилчилар ШХТ хавфсизлик ташкилоти сифатида шаклланмаганлигини, унинг дастлаб Ғарбда ташвиш билан қарши олинган “аксилнато” блоки сифатида қарор топмаганини ҳам рўқач қилишади. Улар ҳатто ташкилотнинг хавфсизлик соҳасидаги асосий фаолияти – терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашда амалда катта муваффақиятларга эриша олмаган, деган фикрни илгари суришади.

Шунингдек, ШХТ доирасида коллектив хавфсизлик ва тезкор ҳаракатланувчи кучларининг йўқлиги, фавқулодда вазиятларга қарши кураш, табиий ва экологик

инкирозларни бартараф қилиш, ноқонуний миграция ва қочоқлар билан боғлиқ муаммоларни тезкор ҳал қилишни назарда тутувчи амалий механизмларнинг яратилмаганлиги унинг “камчиликлари” дея баҳоланади. Лекин бундай танқидлардаги етишмовчиликлар шундан иборатки, уларда ШХТ азалдан ва моҳиятан том маънода хавфсизлик ёки ҳарбий ташкилот бўлмаганлигига жиддий эътибор қаратилмайди. Биринчидан, тузилманинг Марказий Осиёда стратегик барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдаги ҳиссасини анча кенг таҳлил қилиш керак. Барқарорлик ва хавфсизлик – жуда кенг тушунчалар, улар нафақат мамлакат суверенитетини таъминлаш ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, балки иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий барқарорлик масалаларини ҳам қамраб олади.

Айнан шундай ёндошув ташкилотнинг минтақадаги барқарорлаштирувчи ролини тўлиқ очиб беради. Иккинчидан, танқидчилар ташкилотнинг таъсисчи ҳужжатлари – Шанхай декларацияси ва Хартияда “ШХТ сиёсий, хавфсизлик, иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш”ни мақсад қилган тузилма эканлигига етарлича эътибор беришмайди. Таъсисчи давлатлар аввалдан ШХТни “коллектив хавфсизлик” ёхуд ҳарбий-сиёсий иттифоқ шаклида тузишни режалаштирмаган.

Учинчидан, танқидчилар “Шанхай руҳи” деган тушунчанинг чуқур моҳиятига, унинг ташкилот ҳаётидаги ўрнига етарлича эътибор қаратишмайди. Ҳиндистонлик тадқиқотчи Амит Р. Саксена таъкидлаганидек, “Шанхай руҳи” Марказий Осиё республикалари учун Россия ва Хитой томонидан таҳдид олдидаги иммунитетни яратиб берди. Бу эса ўз навбатида, Москва ва Пекин кучли мавқега эга бўлишига қарамасдан, минтақа мамлакатларининг тузилма кун тартиби юзасидан консенсус тамойили ёрдамида ўз манфаатларини рўйёбга чиқариш имкониятини яратади.

Ўз устунлигига қарамасдан, Россия ва Хитойнинг ШХТ доирасида илгари сурган лойиҳаларини ҳаётга тадбиқ эта олмаслик ҳолатлари мавжуд. Шунингдек, айрим хорижлик экспертларда ШХТга нисбатан муайян “қолиплар” сақланиб қолмоқда. Уларнинг ташкилот хусусидаги фикр ва қарашлари, биринчидан, ташкилотнинг даставвал, яъни “Шанхай бешлиги” давридан бошлаб асосан чегарада хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий барқарорликни кучайтиришга асосий эътибор қаратилганлигидан келиб чиқади.

Натижада, уларнинг давр ўтиши билан ШХТ кун тартиби бошқа масалалар, шу жумл-адан, иқтисодий ва гуманитар мавзулар ҳисобига кенгайганлигини инобатга олишмайди. Иккинчидан, аввалги бобда таъкидланганидек, ташкилотни Россия ва Хитой

Ўртасида Марказий Осиёни назорат қилиш мақсадида тузилган “келишув” натижаси, Ғарб сиёсий кадриятларини шубҳа остига қўйядиган ва НАТОга рақобатчи ҳарбий блок деб талқин этишлар ҳалиям мавжуд [4, Б.111-114].

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти – минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим механизмидир.

XX асрнинг 90-йиллари бошида Марказий Осиё минтақасида янги мустақил давлатларнинг шаклланиши билан давлатлараро муносабатларнинг мутлақо янги тизими вужудга кела бошлади. Мазкур жараён янги геосиёсий воқелик шароитида давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни қайта ташкил этиш ва минтақада барқарор хавфсизлик муҳитини шакллантириш заруратини юзага келтирди. Шу билан бирга, минтақа давлатлари олдида турли ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этиш вазифаси долзарб аҳамият касб этди. Айниқса, радикал гуруҳлар ва экстремистик ташкилотларнинг минтақада фаоллашуви, давлат институтларининг ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаганлиги шароитида хавфсизликка доир таҳдидларнинг ортиши минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашни талаб қилди.

Шу нуқтаи назардан, минтақа давлатлари ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликка асосланган мулоқот механизмларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этди. Мазкур мулоқотнинг асосий мақсади минтақа давлатлари ўртасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, барқарор ривожланиш учун қулай сиёсий ва хавфсизлик муҳитини яратишдан иборат эди.

Минтақада хавфсизликка оид муаммоларни жамоавий тарзда ҳал этиш ғояси давлат раҳбарларининг янги геосиёсий шароитни чуқур англаши натижасида шаклланди. Халқаро муносабатларда юзага келаётган янги глобал тенденциялар давлатлар ўртасида хавфсизлик соҳасида самарали ҳамкорликни таъминлайдиган махсус институционал механизмларни ташкил этишни тақозо этди. Шу сабабли ҳам Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ташкил этилиши тарихий жиҳатдан мантиқий ва зарур жараён сифатида баҳоланади.

Минтақавий хавфсизлик тизимининг шаклланишида “Шанхай бешлиги” доирасида эришилган келишувлар муҳим аҳамият касб этди. Ушбу механизм Марказий Осиё ва қўшни давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш, чегара масалаларини ҳал этиш ҳамда хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилди. Кейинчалик мазкур ташаббус Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ташкил топиши учун институционал асос вазифасини бажарди.

ШХТ Низоми (Хартияси) ташкилотнинг асосий ҳужжати ҳисобланади. Унда терроризм, сепаратизм ва экстремизмнинг барча шаклларига қарши курашиш ташкилот фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб қўйилган. Шунингдек, ташкилот доирасида гиёҳванд моддалар, қурол-яроғ, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш, ядровий ва радиоактив материалларнинг тарқалишини олдини олиш, трансчегаравий уюшган жиноятчиликка қарши ҳамкорликни кучайтириш, халқаро ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, давлат чегараларини мустаҳкамлаш, ноқонуний миграция ва одам савдосига қарши курашиш каби йўналишлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш мақсадида давлат органлари, махсус хизматлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўртасида ўзаро ҳамкорлик тизими шакллантирилди. Шунингдек, ШХТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котиблари ва мудофаа вазирларининг мунтазам учрашувлари ташкил этилиб, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга оид долзарб масалалар бўйича тўғридан-тўғри мулоқот йўлга қўйилди.

ШХТ доирасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи муҳим ҳужжатлардан бири терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш тўғрисидаги Шанхай конвенцияси ҳисобланади. Ушбу конвенция халқаро ҳуқуқ амалиётида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда мазкур хавф-хатарларга оид асосий тушунчаларнинг ҳуқуқий таърифлари мустаҳкамланган.

Конвенцияга мувофиқ, терроризм деганда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказишга, аҳолини қўрқитишга ёки давлат органларини муайян қарорлар қабул қилишга мажбур этишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат тушунилади. Шунингдек, бундай ҳаракатларни ташкил этиш, режалаштириш ёки уларни амалга оширишга қўмаклашиш ҳам терроризм тушунчаси доирасига киради.

Сепаратизм эса давлатнинг ҳудудий яхлитлигини бузишга, унинг бир қисми ажралиб чиқишига ёки давлатнинг парчаланишига қаратилган зўравонлик ҳаракатларини англатади. Бундай ҳаракатларни режалаштириш, тайёрлаш ёки уларни амалга оширишга қўмаклашиш ҳам сепаратизм сифатида баҳоланади.

Экстремизм тушунчаси давлат ҳокимиятини зўравонлик йўли билан эгаллаш ёки сақлаб туриш, давлатнинг конституциявий тузумини ўзгартириш, жамоат хавфсизлигига таҳдид солишга қаратилган ҳаракатларни камраб олади. Шунингдек, ноқонуний қуролли тузилмаларни ташкил этиш ёки уларда иштирок этиш ҳам экстремизмга оид фаолият сифатида қаралади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур тушунчаларнинг халқаро ҳуқуқий ҳужжатда ягона тарзда белгилаб қўйилиши муҳим тарихий аҳамиятга эга. Чунки бу каби таърифларни халқаро ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида ҳам умумий келишув асосида қабул қилиш ҳалигача мураккаб масала бўлиб қолмоқда.

Шу тариқа, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти минтақада хавфсизликни таъминлаш, экстремизм ва терроризм каби трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш ҳамда давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим институционал механизм сифатида намоён бўлмоқда [2, Б.43-45].

Терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш мақсадида қўшма ташкилий, оператив-қидирув, ахборот-маърифий ҳамда бошқа турдаги тадбирларни кенг қўламда амалга ошириш учун ишлаб чиқилган бирлашманинг асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қаторида куйидаги келишувларни алоҳида таъкидлаш лозим:

- ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси тўғрисидаги келишув;
- ШХТ МАТТ маълумотлар банки тўғрисидаги келишув;
- ШХТ МАТТ доирасида махфий ахборотни ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисидаги келишув;
- ШХТга аъзо давлатлар ҳудудларида қўшма аксилтеррор тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги келишув;
- ШХТга аъзо давлатлар ҳудудига террорчилик, сепаратистик ва экстремистик фаолиятга алоқадор шахсларнинг кириб келиши каналларини аниқлаш ва тўсиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги келишув;
- ШХТ МАТТда ахборотни техник жиҳатдан муҳофаза қилиш тўғрисидаги келишув;
- ШХТга аъзо давлатлар томонидан қўшма аксилтеррор ўқув машқларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги келишув;
- ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қурол-яроғ, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги келишув;
- ШХТга аъзо давлатларнинг аксилтеррор тузилмалари учун кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги келишув ҳамда бошқа қатор халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ШХТнинг терроризмга қарши конвенцияси ҳамда ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлиги тўғрисидаги конвенцияси ташкилот доирасида қабул қилинган муҳим ҳужжатлар ҳисобланади. Ушбу ҳужжатлар “уч ёвуз куч”га қарши курашишнинг

асосий йўналишлари, шакл ва усуллари белгилаб беради ҳамда улар БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегияси, шунингдек БМТнинг тегишли конвенциялари ва БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциялари қоидаларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Террористик ва экстремистик ташкилотлар томонидан замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилаётганини ҳисобга олган ҳолда, ШХТга аъзо давлатлар ўртасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва IT-технологиялардан бузғунчи мақсадларда фойдаланилишининг олдини олиш соҳасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу соҳадаги асосий ҳужжатлардан бири - Халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги келишув ҳисобланади. Мазкур келишув, жумладан, Интернет тармоғида терроризм, сепаратизм ва экстремизм мафқурасини тарғиб этишга қарши курашиш механизмларини ишлаб чиқиш, интернет маконида юзага келаётган таҳдидларни мониторинг қилиш, уларга тезкор жавоб чораларини кўриш, тегишли маълумотлар банкини шакллантириш ҳамда ахборот алмашинувини йўлга қўйиш каби вазифаларни назарда тутди.

Шунингдек, трансчегаравий жиноятчилик терроризм, экстремизм ва сепаратизмнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланишини инобатга олган ҳолда, ташкилот доирасида ШХТга аъзо давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ваколатли органлари ўртасида уюшган трансчегаравий жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган самарали ҳамкорлик механизми шакллантирилган ва амал қилиб келмоқда [2, Б.43-46].

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатлар минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш масаласини ташкилот фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида баҳолайдилар. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, замонавий халқаро муносабатлар тизимида терроризм, сепаратизм ва экстремизм каби таҳдидлар хавфсизликка жиддий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан ШХТ доирасида ушбу таҳдидларга қарши самарали курашиш механизмларини янада такомиллаштириш, шунингдек наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмаси, курул контрабандаси ҳамда трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши ҳамкорликни кенгайтириш муҳим вазифа сифатида қаралмоқда.

Тадқиқот натижаларига кўра, ШХТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлик Евроосиё маконида тенг ва бўлинмас хавфсизлик архитектурасини шакллантириш учун мустаҳкам институционал асос яратиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, аъзо давлатлар ўз ҳудудларида давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлик тамойилларига зид бўлган ҳар

қандай фаолиятнинг олдини олишга қаратилган тегишли чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

ШХТга аъзо давлатлар терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашишга қатъий содиқ эканликларини яна бир бор тасдиқлайдилар. Айни пайтда мазкур таҳдидлардан ғаразли сиёсий мақсадларда фойдаланишга уринишлар мутлақо қабул қилиб бўлмаслиги алоҳида таъкидланади. Бу жараёнда суверен давлатлар ва уларнинг ваколатли органлари террористик ва экстремистик таҳдидларга қарши курашда ҳал қилувчи роль ўйнаши муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, аъзо давлатлар фуқароларга, дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларига қарши қаратилган ҳар қандай террористик ҳаракатларни кескин қоралайдилар. Бундай объектларнинг дахлсизлиги халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари билан кафолатланганлиги қайд этилади. Терроризмга қарши курашиш жараёнида “икки хил стандарт”ларни қўллаш мутлақо номақбул эканлиги таъкидланиб, терроризмнинг ҳар қандай шакли ва кўриниши қатъий равишда рад этилади.

Замонавий шароитда террорчилик ташкилотлари ахборот маконидан фаол фойдаланиб, экстремистик ғояларни тарғиб қилиш ва айниқса ёшлар онгига таъсир ўтказишга интилаётгани кузатилмоқда. Шу сабабли, аъзо давлатлар халқаро ҳамжамиятни террористик тузилмаларга паноҳ берувчи ёки уларнинг фаолиятига шароит яратадиган субъектларни фош этиш ва уларни изоляция қилиш бўйича ҳамкорликни кучайтиришга чақирмоқдалар. Бундан ташқари, халқаро террористик ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган киберпропаганда ва дезинформация кампанияларига қарши биргаликда курашиш муҳим вазифалардан бири сифатида қаралмоқда.

Шу билан бирга, ШХТ давлатлари халқаро терроризмга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида Халқаро терроризмга қарши курашиш бўйича Умумқамровли конвенцияни қабул қилиш бўйича консенсусга эришиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайдилар. Ушбу ҳужжат мавжуд халқаро антитеррористик ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин.

ШХТ давлатлари террористик ташкилотлар томонидан ахборот-пропаганда фаолиятининг кучайиб бораётганидан жиддий хавотир билдириб, радикал мафкуралар, диний тоқатсизлик, ксенофобия, агрессив миллатчилик ҳамда ирқий ва этник камситиш каби салбий ҳодисаларнинг тарқалишининг олдини олишга қаратилган ҳамкорликни янада кучайтириш ниятида эканликларини билдирдилар. Шунингдек, терроризм ва экстремизмни келтириб чиқарувчи ижтимоий-сиёсий омилларни бартараф этишга

қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири сифатида баҳоланмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, терроризмни молиялаштириш, террористик фаолият учун кадрлар ёллаш, уларнинг трансчегаравий ҳаракати, ёшларни радикаллаштириш жараёнлари ҳамда янги ахборот-коммуникация технологияларидан террористик мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари халқаро хавфсизликка жиддий таҳдид солмоқда. Шу муносабат билан мазкур йўналишларда ҳамкорликни кучайтириш ва қатъий чора-тадбирлар кўриш зарурлиги таъкидланмоқда.

ШХТ доирасида терроризмга қарши курашишнинг институционал механизмларини мустаҳкамлаш мақсадида ташкилотнинг Минтақавий антитеррор тузилмаси (МАТТ) фаолияти изчил ривожлантирилмоқда. Хусусан, 2025–2027 йилларга мўлжалланган терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши ҳамкорлик дастурининг қабул қилиниши “уч ёвузлик кучи”га қарши кураш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ШХТ давлатлари қўшма антитеррористик ва қўмондонлик-штаб машғулотларини мунтазам ўтказиш, шунингдек МАТТ орқали минтақадаги хавфсизлик вазиятини доимий мониторинг қилиш орқали ташкилотнинг антитеррористик салоҳиятини мустаҳкамлашни давом эттирмоқдалар.

ШХТ давлатлари Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Улар Афғонистонни терроризм, уруш ва наркотиклардан холи, мустақил ва нейтрал давлат сифатида ривожлантириш бўйича халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирдилар [8, Б.43-46].

Хулоса. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Евроосиё минтақасида хавфсизликни таъминлашда муҳим институционал механизм сифатида шаклланган. Ташкилот доирасида амалга оширилаётган ҳамкорлик терроризм, экстремизм, наркотрафик ва трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши самарали курашиш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, ШХТ давлатлари ўртасидаги сиёсий мулоқот ва хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик минтақада тенг ва бўлинмас хавфсизлик архитектурасини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Келгусида ташкилот доирасидаги ҳамкорлик механизмларини янада такомиллаштириш Евроосиё маконида барқарор тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи //“Халқ сўзи” газетаси. 2025-йил 2 - сентябрь, №181 (9076).
2. Р. Алимов. Шанхайская организация сотрудничества: становление развитие перспективы. 2017 г., Москва: Издательство «Весь Мир». 336 с.
3. Р. Нурибегов. Ўзбекистон – Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти: Стратегик ҳамкорлик қиррали // Sharq tarixi, siyosati va huquqi. Toshkent, 2022, №2.
4. Р. Нурибегов. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти: Марказий Осиёдаги янги минтақавийлик муҳит акси // Xalqaro munosabatlar, 2022, № 3-4.
5. Чжоу Цзень. Исторические условия создания Шанхайской организации сотрудничества // Россия в Глобальном Мире, №8 (31) 2016.
6. Душанбинская Декларация двадцатилетия ШОС // <http://rus.sectsko.org/news/20210602/758686.html>.
7. О Шанхайской организации сотрудничества // <http://rus.sectsko.org/news/20210602/758686.html>.
8. Астанинская Декларация Совета глав государств-членов Шанхайской организации сотрудничества// <http://rus.sectsko.org/news/20210602/758686.html>.
9. Р. Алимов. Шанхайская организация сотрудничества: становление развитие перспективы. 2017 г., Москва: Издательство «Весь Мир». 336 с. <https://www.comw.org/cmp/fulltext/0110jia.htm>.